

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига **сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар**. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилади.

**Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда **суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин**. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.